



ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ЖИНСИЙ ДАХЛСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТ НОРМАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Жуманиёзов Нодирбек Ғиёс ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси мустақил изланувчиси

jumaniyozovnodir0@gmail.com

+998972035351

Аннотация:

Долзарблиги: *Сўнги пайтларда ижтимоий тармоқларда бот-бот вояга етмаганларга нисбатан тажовулар содир этилаётгани ҳақида хабарлар тарқалаяпти. Ҳатто, бу воқеаларнинг айримлари болаларнинг ўлими билан тугамоқда. Кенгроқ миқёсда қаралганда, нафақат бизда, балки бутун дунё бўйлаб педофилия билан боғлиқ жиноятлар сони ошаётганини кузатиш мумкин. Бу турдаги жиноятларни камайтириш, бутунлай йўқотиш учун тегишли кескин чоралар кўриш вақти етди. Яқинда кетма-кетликда рўй берган ҳолатлар: Тошкентда ўн икки ёшли қизнинг фожиали ўлими, Хоразмдаги воқеалар вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонлик мавзусидаги муҳокамаларнинг салмоқли кўпайишига олиб келди. Оммада талай хато қарашлар, фикрлар кузатилди, иккала ҳолатга ҳам бир нуқтадан қаралди. Жамиятда бу масалада билимнинг етишмаслиги кўринди, натижада муаммо билан курашишда тўсиқлар вужудга келиши мумкин. Ушбу мақолада, 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқада бўлиш жиноятига қарши курашнинг миллий ва хорижий тажрибалар тахлили ҳамда ушбу жиноят ривожланиш тарихи ёритилган.*

Калит сўзлар: *16 ёшга тўлмаган шахс, жинсий алоқада бўлиш, дахлсизлик, педофилия, жисмоний зўравон, жинсий эркинлик.*

Жиноят қонунчилигининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлиш, биринчи навбатда, амалдаги жиноят қонунчилигининг шаклланишига объектив баҳо бериш ва уни келгусида такомиллаштиришнинг йўналишларини белгилаб олишнинг асоси ҳисобланади.

Хусусан, жинсий жиноятлар учун жавобгарликнинг ҳозирги ҳолати ва мазмун-моҳиятини очиқ бериш, қонунчиликдаги ҳуқуқий таъқиқларнинг моҳиятини тушуниш, келгусида ушбу нормани янада такомиллаштириш ғояларини ишлаб чиқиш учун тарихий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Ҳар қандай ҳодисани ретроспектив усулда кўриб чиқиш, яъни у қандай пайдо бўлганлиги, қайси босқичларни қай тарзда босиб ўтганлигини билиб олиш ушбу ҳодисанинг бугунги ҳолати ва келгусидаги ривожланиш истиқболларини аниқлаб олишга имкон беради.

В.В.Мальцевнинг фикрича, таҳлилнинг тарихий усули амалдаги



қонунчиликнинг моҳиятини намоён қилишда нафақат амалий, балки назарий аҳамиятга ҳам эга, чунки у “илмий назариянинг асосларини мустаҳкамлайди ва унинг миллий қонунчилик ва жамиятдаги анъаналарга мутаносиблигини инъикос этади, ёхуд у юқоридаги асосларни кучсизлантириб, миллий қонунчилик ва жамиятдаги анъаналарга нисбатан ўзининг бегоналигини намоён этади”¹⁴⁶.

Тарихдан бизга маълумки, Ўзбекистон ҳудудида кўплаб давлат тузилмалари ташкил топган ва ривожланган. Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган давлат тузилмаларининг ҳар бири ўзига хос ва умумий жиҳатларга эга бўлган. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мавжуд бўлган давлатларнинг жинсий жинойтларга оид қонунчилиги жуда кам ўрганилган ёки айтиш жоиз бўлса, умуман ўрганилмаган.

Дунёда мавжуд бўлган ҳар қандай давлат жамиятнинг муайян соҳасини тартибга солувчи ўзига хос норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига эга. Ҳар қандай қонуннинг ривожланиши даврий равишда ва маълум бир шаклда содир бўлади ҳамда тарихий ёндашув бугунги кундаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни призма орқали таққослаш имконини беради.

Дунёда «болаларни ҳимоя қилиш» деган тушунча бор. Албатта, буни глобал миқёсдаги умуминсоний масала сифатида қабул қиламиз. Яъни очликдан, оммавий эпидемиялардан, уруш ҳаракатлари оқибатларидан, ахлоқсиз зўравонликлардан ҳимоя қилишга халқаро ташкилотлардан тортиб ҳамма, ҳар бир киши баҳоли қудрат сафарбар. Назаримда, болаларни ҳимоя қилиш бундан-да чуқурроқ масалаларни қамраб оладики, дунё ҳамжамияти ҳам, биз ҳам энг аввало ана шу муаммо билан жиддийроқ шуғулланишимиз лозим.

Ҳар бир бола оламнинг бир парчаси, унинг қалби ва онгидаги об-ҳаво бутун башарият ҳаётининг об-ҳавосини белгилайди, боланинг бирор миллат, мамлакатга мансублиги нуқтаи назаридан қарасак, бола ўша миллат, ўша мамлакатнинг бир парчаси эканини билдиради. Бирор юртга тажовуз бўлса, ўша халқ сафарбар бўлади. Демак, бола онги ва ахлоқига қаратилган тажовузни ҳар ким мамлакатга тажовуздай қабул қилмоғи ва унинг ҳимоясига ҳамма бирдек отланмоғи лозим. Токи, болаликнинг дунё ҳақидаги пок тасаввурлари, ўзининг ҳаммага яхшилик қиладиган, ҳамма нарсага қодир, қудратли инсон эканига, қолаверса, одамларга, одамийликка бўлган ишончига дарз кетмасин. Токи, ўзининг тўғрисўзлиги ва меҳрибонлигидан ҳафсаласи пир бўлмасин¹⁴⁷.

Болаларнинг онги ва ахлоқига қаратилган тажовузлардан бири бу унинг жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган ҳаракатлардир. Ушбу “инсоний фазилатларга зид” жинойтлар учун қаттиқ жазо чораларини белгилаш ҳам

¹⁴⁶ Александров К. М. Офицерский корпус армии генерал-лейтенанта А. А. Власова. Биографический справочник. — М.: Посев, 2001. — ISBN 978-5-85824-186-7

¹⁴⁷ Болалар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш – барчамизнинг бурчимиздир. <https://sirdaryo.adliya.uz/sirdaryo/uz/publikatsii/detail.php?ID=26041>



тадқиқотимизнинг асосий вазифаларидан биридир. Шу ўринда, болалар жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий ва криминологик жихатларига батафсил тўхталиб ўтишдан олдин, ушбу жиноятлар учун жазо белгиланган қонун нормаларининг вужудга келиши, ҳозирги кундаги ҳолатини илмий изчилликда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бу орқали эса, болаларнинг жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган жиноят қонуни нормаларининг тарихий ривожланиш босқичларини ёритиш орқали мазкур жиноятнинг фундаментал-норматив тузилиши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш мумкин. Шу сабабдан, тадқиқот доирасида, ушбу жиноятлар учун жазо белгиланган қонун нормаларини тарихий кетма-кетликда ва илмий асосланган ҳолда тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Болаларнинг жинсий дахлсизликка қарши жиноятлар учун жавобгарликни тартибга солиш соҳасидаги қонунчилик нисбатан “ёш” десак муболаға бўлмайди. Тарихга назар ташласак, узоқ вақтлар давомида бола жамоатчилиги билан муносабатларнинг тўлақонли иштирокчиси ҳисобланмаган. Фақатгина, васийларнинг мулки сифатида қаралган, улар болаларни “қул” сифатида муомалада бўлишлик билан чекланмасдан, уни эксплуатация қилиш мақсадида “боқишган”¹⁴⁸.

Тарих шуни исботладики, болаларнинг эркин жинсий муносабатларга киришиши ҳар доим ҳам қораланган ҳамда тақиқлардан холи бўлган жамият бўлмаган. Турли даврларда ва турли халқларда ахлоқсиз ёки ноқонуний деб топилган жинсий ҳаракатлар доираси ўзига хос хусусиятларга эга бўлган¹⁴⁹. Тақиқларнинг табиати маданият ва яшаш шароитларининг ривожланиш даражаси билан боғлиқ. Масалан, қадимги Мисрда Амунга сиғиниш ота-оналарни ўз қизларини Худога беришга мажбур қилган, у гўёки руҳонийга қиз билан учта жинсий алоқа қилиш ҳуқуқини берган. Агар қиз ёққан бўлса, у черковда доимий яшаш учун қолдирилган ва Худонинг маъбадига тегишли деб ҳисобланган¹⁵⁰.

Шунга ўхшаш урф-одатлар Финикия, Карфаген, Форс, Фаластин, шунингдек замонавий Ҳиндистон, Бангладеш, Покистон, Арманистонда ҳам мавжуд бўлган. Молох ва Баал худоларига бағишланган қадимги Сурия қабилаларининг эротик култларининг вазифалари болаларни қурбон қилиш ва диний фоҳишалик ҳаракатларини қилишдан иборат ҳисобланган. Шу

¹⁴⁸ Белякова Е.В. История развития российского уголовного законодательства об ответственности за ненасильственные половые преступления в отношении несовершеннолетних / Е.В. Белякова // Вопросы ювенальной юстиции. — 2014. — № 2. — С. 7–11.

¹⁴⁹ См.: Гальперин Г.Б., Королев Л.И. Методологические и теоретические вопросы науки истории государства и права СССР. - Л.: Изд-во ЛГУ, 1974. - С. 6.

¹⁵⁰ Свидетель прошлого, живая память, свет правды -лат.



давлатларда ўз қизини канизак сифатида сотиш ва ўз маъшуқасини сотиб олиш жинойт сифатида қаралмаган¹⁵¹.

Шу билан бирга, мамлакатлар цивилизациялашган ва маданият ривожлангани сари аксариятида, жинсий ҳаракатлар таъқиқлана бошлаган. Тақиқланган жинсий ҳаракатларга зўрлаш ва қариндошлар билан жинсий алоқа қилиш каби қилмишлар киритилган. Қариндошлик ҳолатида жазо миқдори жинсий алоқада бўлганларнинг қариндошлик алоқаси даражасига боғлиқ бўлган. Миллоддан аввалги яъни қадимги даврда энг қаттиқ жазо онанинг ўғли билан жинсий алоқаси учун белгиланган. Бобилда «Ҳаммурапи» кодексига кўра, онанинг ўғли билан жинсий алоқаси ўлим жазоси билан жазоланган. Бундай қилмишнинг иштирокчиси ота ва қиз бўлганида, кодекс фақат отасини ўлдиришни назарда тутган. Зўрлашга келсак, бу узоқ вақт давомида эркакнинг аёлга нисбатан эгалик ҳуқуқига тажовуз сифатида қабул қилинган¹⁵².

Шу даврда бошқа яқин қариндошлар ва мулкдорлар билан жинсий алоқада бўлиш тақиқлари ҳам мавжуд бўлган. Ушбу тақиқ Левилар китобига асосланган бўлиб, унда уни бузганлик учун жуда қаттиқ жазо сифатида ўлим жазоси назарда тутилган. Қариндошлик алоқалари мавжуд ҳолатда жинсий алоқа қилиш тақиқини бузиш Византия қонунларига биноан қаттиқ жазоланган. Жинсий алоқада бўлган ота - оналар ва болалар ёки ака-ука ва опасингиллар ўлим жазосига, бошқа қариндошлар эса халқ олдида бурунларини кесиб ташлашган¹⁵³.

Қадимги Римда эса зўрлаш ҳаракатлари қонунчилик тарихида биринчи марта жабрланувчининг эркинлигини бузиш элементи сифатида тан олинган¹⁵⁴. Катта ёшли аёлларни зўрлаш ҳолатларида айбдор шахс малакатдан чиқариб юборилган бўлса, болаларни зўрлаш ҳаракатларида айбдор дорга осилган. Юқоридагилардан келиб чиқадики, қонун чиқарувчи катталарга қараганда кўпроқ болаларни жинсий зўравонлик ва бузуқ ҳаракатлардан ҳимоя қилган.

Христианлик ўзининг ёзма манбаларида жамиятнинг болалар жинсий ривожланишига нисбатан қатъий муносабатини кўрсатади. Мусонинг китобида

¹⁵¹ См. также: *Михаил Абгунов*. Античные мифы и легенды. Мифологический словарь. - М.: МИКИС, 1994. - С. 20.

¹⁵² Мартиросьян А.М. Насильственные половые преступления в отношении несовершеннолетних (уголовно-правовой и криминологический аспекты). Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. 04201002713. Ростов-на-Дону 2009 г

¹⁵³ Мартиросьян А.М. Насильственные половые преступления в отношении несовершеннолетних (уголовно-правовой и криминологический аспекты). Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. 04201002713. Ростов-на-Дону 2009 г

¹⁵⁴ *Анри Отто Генне*. Современный полицейский надзор за общественной нравственностью. - СПб., 1900. - С. 18.



биродар ва опа-сингил бир-бирларининг яланғочлигини кўргани учун йўқ қилиниши керак деб кўрсатилган¹⁵⁵.

Қадимги дунёда, аксинча, мутлақо бошқа урф-одатлар ҳукмронлик қилган. Франция қироли Людовик XIIIнинг шахсий шифокори эслатмаларига кўра, 17-аср бошларида ота-оналар ва бошқа катталар болалар билан жинсий алоқа масалаларини эркин муҳокама қилишган, қолаверса, боланинг жинсий аъзолари билан "ўйнаш", унга эрекция бериш ва ҳоказолар ҳеч қандай нозик "масала" деб қаралмаган¹⁵⁶.

Аммо аста-секин, черков босими остида ахлоқ-одоб қоидалари ўзгара бошлаган. Ўғил болалар ва қизларнинг ажратилган ва ҳар қандай болаларга нисбатан жисмоний экспериментларга тақиқлар кучайган. Жинсий ҳаракатлар эркинлиги маълум тақиқлар ва жазолар тизими билан чекланган.

Россияда Христианликнинг жинсий жиноятларни таъқиб қилишга таъсири Н. А. Исаевнинг сўзларига кўра давлат ва черков орқали тартибга солинган. Жинсий алоқа вақтида зўрлаш ҳамда тан жароҳатлари етказиш ҳолатлари юзасидан давлат, жинсий одобсизлик сифатида қаралган ҳаракатлар черков орқали жазоланган.

Й. Н. Шчаповнинг ёзишича, Ярослав Уставининг черков судлари тўғрисидаги нормаларининг санкцияларида "бир вақтнинг ўзида икки, баъзан эса уч турдаги жавобгарлик — жинсий, фуқаролик ва ҳақиқий черков-ҳуқуқий кўрсатмалар" мавжуд бўлган¹⁵⁷. Бошқа томондан, жинсий тажовузларга қарши курашда икки томонлама ваколат (черковлар ва давлатлар) қарама-қаршилиқлар ва келишмовчиликларга олиб келган, шунингдек, узоқ вақт давомида ушбу турдаги жиноятларга қарши курашиш бўйича маҳаллий жиноят қонунчилигида аниқ белгиланган жавобгарлик мавжуд бўлмаган¹⁵⁸.

Мазкур жиноятлар учун, жазо белгиланган қонун нормаларининг тарихий тахлилини қулдорлик жамиятидан бошлар эканмиз, ушбу давр жиноят қонунчилигида айнан болаларнинг жинсий дахлсизлигини махсус тарзда муҳофаза қилувчи жиноят таркиблари мавжуд бўлмаганини кўраемиз. Шунингдек, эътиборли ва ачинарли тарафи шундаки, қулдорлик жамиятида

¹⁵⁵ Из 4-х вопиющих грехов, канонизированных Левитом (Левит. 18. 22-23; 19, 13), два приходилось на половые деликты - содомский грех и изнасилование (Си.: *Бойко А.И.* Нравственно-религиозные основы уголовного права. - Ростов н/Д: Изд-во СКАГС, 2007. - С. 73)

¹⁵⁶ Из 4-х вопиющих грехов, канонизированных Левитом (Левит. 18. 22-23; 19, 13), два приходилось на половые деликты - содомский грех и изнасилование (Си.: *Бойко А.И.* Нравственно-религиозные основы уголовного права. - Ростов н/Д: Изд-во СКАГС, 2007. - С. 73)

¹⁵⁷ *Исаев Н.А.* Сравнительно-исторический аспект половых преступлений // История развития уголовного права и ее значение для современности: Материалы V Международной научно-практической конференции, состоявшейся на юридическом факультете МГУ им. М.В. Ломоносова 26-27 мая 2005 г. - М.: ЛексЭст, 2006. -С. 33-35.

¹⁵⁸ Уголовное право. Особенная часть: Учебник / Под ред. В.Н. Петрашева. - М.: Издательство Приор, 1999. - С. 83 (*И.Я. Козаченко*).



вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги катта ёшдаги шахсларнинг жинсий эркинлигини химоя қилингани каби тенг равишда мухофазаланган. Жамиятда барча муносабатлар сингари, жинсий муносабатларда ҳам жиноятдан жабрланган шахсларнинг маънфаатлари эмас балки, қулдорлар синфининг маънфатлари устувор тарзда химоя қилинган. Масалан, қулдорнинг ўз қули хисобланган қизнинг жинсий дахлсизлиги ёки эркинлигига тажавуз қилиши таъбий ҳолат сифатида қаралиб, ғайриқонуний қилмиш хисобланмаган ва бундай қилмишда номусга тегиш ёки жинсий алоқа қилишга мажбурлаш каби жиноят таркиби мавжуд бўлмаган¹⁵⁹.

Агар қулларга нисбатан жинсий тажавуз қулдор бўлмаган бошқа эркин шахс томонидан содир этилса, шахснинг қилмиши мулкдорга зарар етказиш сифатида баҳоланган ва айбдор шахс, Гай Институциясининг 222-қоидасига кўра, қулнинг эгаси хисобланган мулкдорга етказилган моддий ва маънавий зарар учун фуқаролик-ҳуқуқий тартибда пул тавонини тўлашга мажбур қилинган¹⁶⁰.

Қадимги Герман ҳуқуқига кўра, қул билан жинсий алоқага киришган эркин аёл ўлим жазосига ҳукм қилинган¹⁶¹. Шу билан бирга, бу даврда эркинлиги ўз қўлида бўлмаган аёл ва қизлардан иборат харам сақлашга нафақат бўйдоқ эркакларга, балки уйланганларга ҳам рухсат берилган ва хаттоки бундай харам сақлаш кенг тарқалган. Бундан ташқари бир табакага мансуб эр-хотиннинг бир-бирига хиёнат қилиши борасида ҳам аёлларнинг эркакларга нисбатан тенгсизлиги кўриниб турган. Масалан, Африкада оила бошлиғига яъни эркакга ўз хотинини хиёнат учун уйдан хайдаб чиқаришга рухсат берилган. Уйдан хайдан чиқарилган хотинларга зеб-зийнат ва тақинчоқлар тақиши ҳамда черковга бориши ман этилган. Шу пайтнинг ўзида эркак кишига ишқий муносабатларни давом эттириш учун нафақат қул аёллар, балки гетерлар (эркин аёллар)га ҳам эга бўлиши қонунда ман этилмаган¹⁶².

Демак, юқоридагилардан шундай хулосага келишимиз мумкинки, қулдорлик жамиятида жинсий муносабатлар соҳасида жиноий ҳуқуқий мухофаза объекти бўлиб аёллар, хусусан вояга етмаган қизларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлиги эмас, балки, ҳукмрон синф саналган, қулдор, уй эгаси ва оила бошлиғининг хусусий мулкчилик билан боғлиқ манфаатлари хисобланган.

Бундан ташқари, мазкур давр жиноят қонунчилигида гомосексуализм, яқин қариндошларнинг жинсий муносабатга киришиши каби ғайритаъбий

¹⁵⁹ Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жиноий дахлсизлиги ва эркинлигини мухофаза қилиш муаммолари (жиноят-ҳуқуқий, криминологик жиҳатлар): Юрид.фан.номзоди илм.даражасини олиш учун дисс.автореф. – Тошкент, 2006; –С. 91.

¹⁶⁰ Черниловский З.М. Истоия рабовладельческого государства и права. – М., 1959. – С. 287.

¹⁶¹ Лист. Ф. Учебник Уголовного право. Особенная часть. – М. 1905. – С. 72.

¹⁶² Лист. Ф. Учебник Уголовного право. Особенная часть. – М. 1905. – С. 125.



хатти-харакатлар учун жиноий жазонинг белгиланмаганлиги, энг аввало, давлатнинг жинсий ҳаёт соҳасига жиноят-ҳуқуқий таъсир этиши оммавий манфаатларина муҳофаза қилиш мақсадида эмас, балки мулкдорларнинг манфаатларини химоя қилишга хизмат қилганлигидан дарак беради.

Бироқ рус олими З.М. Черниловскийнинг фикрича, жинсий муносабатлар соҳасида шахсларнинг хулқ-атворини жиноят-ҳуқуқий тартибга солиш доираси мазкур давр сўнгида кенгайиб борган: масалан, Юлиан қонунида хиёнат қилганлик учун эр ёки хотиннинг алоҳида жавобгарлиги, гомосексуал муносабатлар ҳамда яқин қариндошларнинг жинсий алоқага киришганлиги учун жиноий жазо чоралари белгиланган, энг муҳими мазкур ҳужжатда қиз бола ёки бева аёлнинг номусига тегиш ёхуд ўғирлаб қочганлик учун – ўлим жазоси тайинланиши назарда тутилган¹⁶³.

Феодал жамиятда жинсий муносабатларнинг жиноий-ҳуқуқий тартибга солинишини тавсифлашга ўтар эканмиз, ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг мақсади ва хусусий жихатлари ўхшаш бўлганлиги учун ҳам феодал жамиятидаги жинсий жиноятлар, хусусан, вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва жинсий эркинлигига тажавуз қилувчи жиноят таркиблари қулдорлик жамиятидаги жиноят таркиблари билан тузилиши ва мазмуни жихатидан деярли бир-хил бўлганлигини эслатиб ўтиш жоиз. Масалан, Византия давлатида яқин қариндошлар, айниқса ота-оналар билан уларнинг болалари ўртасида жинсий алоқа жиноят деб топилиб, айбдор ўлим жазосига хум қилинган¹⁶⁴.

“Мусонинг бешкитоби”даги “Левит” китобида ёзилишича, номусга тегиш ёки никоҳсиз жинсий муносабатга киришиш жиноятларидан ташқари, яқин қариндошларнинг, айниқса ўғилнинг онаси билан, аканинг синглиси билан жинсий алоқага киришиши тақиқланган ва диний нуктаи-назаридан қораланган. Бундай тақиқнинг ўрнатилиши эса, ўз навбатида, оиладаги тинч осойишта муносабатларни сақлаб қолишга шарт-шароит яратиб берган. Кенг маънода олганда, мазкур тақиқ нафақат оила аъзолари ўртасидаги, балки бир хонадонда яшовчи шахслар ўртасидаги фаровон муносабатни таъминлаган¹⁶⁵.

Юқоридаги жиноят таркибидан кўриниб турибдики, феодал жамиятида болаларнинг жинсий дахлизлиги ва эркинлиги бевосита эмас, балки билвосита химоя қилиниб, ушбу дар жиноят қонунчилигида айнан болаларнинг манфаатларига тажавуз қилувчи жинсий жиноятлар учун жазо белгилаб берувчи махсус ҳуқуқ нормаси мустақил тарзда шакллантирилмаган эди.

¹⁶³ Черниловский З.М. История рабовладельческого государства и права. – М., 1959. – С. 202

¹⁶⁴ Пудовочкии Ю.Е. Ответственность за преступления против несовершеннолетних по российскому уголовному праву. Научн. ред. докт. юрид. наук, проф. Г.И. Чечель. – Санк-Петербург: Юридический центр Пресс, 2002. – С. 17

¹⁶⁵ Российского законодательство X-XX веков. Законодательство Древней Руси / Отв. ред. В.Л. Янин. – М. – С. 149.



Биринчи умумгерман кодекси хисобланган 1532 йилда қабул қилинган Карл Низомнома (Уложение)сида – “Каролина”да жинсий жиноятлар тизими қуйидаги тартибда белгиланган: яқин қариндош билан жинсий алоқа қилиш (117-м), турмуш қурган ёки таянчи бўлмаган аёлни эри ёки отасининг розилигисиз олиб қочиш (118-м), турмуш қурган аёлнинг, беванинг ёки қиз боланинг номусига тегиш (119), бир жинсдаги шахсларнинг ғайритабий алоқаси (120), икки никохлик (121), қўшмачилик қилиш (122-123). Мазкур жиноятлар тизими ичида вояга етмаган қил боланинг номусига тегиш, эркак кишининг вояга етмаган ўғил бола билан, аёл кишининг вояга етмаган қиз бола билан ғайритабий алоқаси оғир оқибатларга олиб келувчи жиноятлар сифатида қаралиб, ушбу жиноятлар учун ўша даврнинг энг қаттиқ жазоси хисобланган гулханда ёқиб ўлдириш жазоси қўлланилган¹⁶⁶.

Капитализм даврида жинсий жиноятлар, хусусан, болаларнинг жинсий дахлсизлигига тажавуз қилувчи жиноятлар учун жазо белгиланган қонун нормалари фикрлар хилма-хиллиги асосида такомиллашиб, мазкур жиноят таркиблари бўйича турли хил назария ва концепсияларда ўз ғояларини асослантиришга ҳаракат қилинган. Масалан, социологикмактаб асосчиси Ф.Лист жинсий жиноятларни шахсга қарши жиноятлар туркумига киритиб, болаларга қарши қаратилган жинсий жиноятлар таркибини қонун нормасида ифодалаш бўйича қуйидаги фикрни билдирган: ёш болаларга қаратилган жинсий тажавузларнинг махсус объекти мавжуд бўлмадан, бундай жиноятлар учун жазо тайинлаш асоси ёш болаларнинг нормал жинсий ривожланишига жисмоний ва маънавий зарар етказилганлиги ёки етказиш хавфи эмас, балки ушбу шахсларда “ўз жисмоний фаолиятини бошқара олиш учун етарли ақл-идрокнинг мавжуд эмаслиги” хисобланиб, мазкур асос болаларнинг жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларнинг ижтимоий мохиятини очиб беради¹⁶⁷.

Шунингдек, мазкур даврда Ғарбий Европа мамлакатларида айнан болаларнинг жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган жиноят таркиблари қонунда алоҳида моддаларда ифодалана бошлаган. Масалан, 1810 йилги Франция Жиноят кодексида 18 ёшга тўлмаган болалар, шунингдек, 15 ёшга тўлмаган вояга етмаганларнинг ахлоқига тажавуз қилиш, уларнинг уятсиз-бузуқ ҳаракатларга қизиқдириш мустақил жиноят таркиби сифатида мустахкамланиб, мазкур кодекснинг “Ахлоққа қарши тажавузлар” деб номланган бўлимига киритилган. Кодексдаги бўлимнинг номидан кўриниб турибдики, жиноят объекти ахлоқ хисобланган. Бироқ, ушбу тушунча ўша давр нуктаи-назаридан ахлоқий жихатдан белгиланган жинсий ҳаёт соҳасидаги ҳулқ-

¹⁶⁶ Лист. Ф. Учебник Уголовного право. Особенная часть. – М. 1905. – С. 89-92.

¹⁶⁷ Лист. Ф. Учебник Уголовного право. Особенная часть. – М. 1905. – С. 72-73.



атвор қоидаларини эмас, балки тажавуз қилинган шахснинг ахлоқий хиссиётини англлатган¹⁶⁸.

Шунингдек, Франция жиноят қонунининг бу борадаги устунлиги шунда эдики, бу даврда қонунчилик органи болаларга қарши қаратилган жинсий жиноятларни жазони оғирлаштирувчи холат сифатида белгилаб, улар учун алохида-алохида юқори даражадаги жиноий жавобгарликни назарда тутган: яъни болаларни жинсий тажавузлардан жиноят-хуқуқий муҳофаза қилишнинг ёшга доир даражаси мутлақ ва аниқ тарзда белгиланган бўлиб, 15 ёшга тўлмаган болаларнинг ва 18 ёшга тўлмаган болаларнинг жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган қилмишлар алохидалаштирилган¹⁶⁹.

Дастлаб, Франция Жиноят кодексига номусга тегиш жиноятининг субъекти вояга етган ва вояга етмаган шахслар сифатида назарда тутилган бўлса, кейинчалик ушбу субъектлар алохида-алохида моддаларга ажратилиб, болаларнинг номусига тегиш жинояти учун оғирроқ санксия белгиланган¹⁷⁰.

Ушбу даврда Германия жиноят қонунчилигида болаларнинг жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятлар бошқа жиноятлар сингари “жинсий алоқа ихтиёрийлигини мустақил белгилашга қарши жиноятлар” деб номланувчи 13 бобга киритилган бўлиб, мазкур жиноятлар алохида-алохида: васийликка олинганларга нисбатан уятсиз-бузук ҳаракатлар қилиш (174), болаларга нисбатан уятсиз-бузук ҳаракатлар қилиш (176), болаларнинг жинсий хатти-ҳаракатларини рағбатлантириш (180), жинсий алоқа қилиш мақсадида 16 ёшга тўлмаган қизларга нисбатан уятсиз-бузук ҳаракатлар қилиш (182), болаларнинг ахлоқига таҳдид солувчи фохишабозлик (184) каби мустақил жиноят таркибларидан иборат бўлган¹⁷¹.

Булар орқали, шундай ҳулоса қилишимиз мумкинки, ўша даврда Германияда болаларга нисбатан уятсиз-бузук ҳаракатлар содир этиш ижтимоий ҳавfli тус олганлиги учун ҳам қонун чиқарувчи орган ўзининг қонун ижодгорлиги функцияси орқали болалар жинсий дахлсизлигини уятсиз-бузук ҳаракатлардан жиноий-хуқуқий тарафдан муҳофаза қилиш чораларини кўрган.

Эътиборли томони шундаки, қонун чиқарувчи орган ўзининг ушбу устувор вазифаси орқали жамиятда мавжуд бўлган уятсиз-бузук ҳаракатлардан болаларни, 16 ёшга тўлмаганларни, вояга етмаганларни (18 ёшга тўлмаганларни) ҳамда васийликка олинганларни алохида химоя остига

¹⁶⁸ Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жиноий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-хуқуқий, криминологик жиҳатлар): Юрид.фан.номзоди илм.даражасини олиш учун дисс.автореф. – Тошкент, 2006;–С. 33.

¹⁶⁹ Уголовное право Франции // Сб. Норм. Актов. – М., 1984 -С. 85-87.

¹⁷⁰ Уголовное право Франции // Сб. Норм. Актов. – М., 1984 -С. 85-87. .

¹⁷¹ Козочкин И. Уголовное право Федеративной Республики Германии. – М., 1981. – С. 73-74.



олган¹⁷². Бироқ, қонун чиқарувчи органнинг бу борадаги ижодкорлик фаолияти камчиликлардан ҳам холи бўлмаган: Германия Жиноят кодексининг 182-моддасида жинсий алоқа қилиш мақсадида 16 ёшга тўлмаган қизларга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган бўлсада, айнан шундай уятсиз бузуқ ҳаракатларнинг 16 ёшга тўлмаган эркак жинсидаги шахсларга нисбатан содир этканлик учун жавобгарлик белгиланмаган. Бундан ташқари, мазкур модданинг иккинчи қисмида бу турдаги жиноятлар бўйича иш юритиш жабрланувининг аризасига биноан адлия органлари томонидан олиб борилиши кўрсатилган. Қонунда бундай бўшлиқнинг борлиги болаларга жинсий ҳаёт соҳасида йўл очиб бериш орқали уларнинг нормал ривожланиши ҳимоясини эътибордан четда қолдирган¹⁷³.

Инглиз жиноят ҳуқуқида эса болаларнинг жинсий дахлсизлигига тажавуз қилувчи жиноят таркиблари 1956 йилда қабул қилинган “Жинсий жиноятлар тўғрисида”ги қонун билан ўзгартирилган ҳолда янгича таълқин қилинди. Унга кўра 13 ёшга тўлмаган кичик ёшдагилар ва 16 ёшга тўлмаган вояга етмаганлар жинсий дахлсизлигини муҳофаза қилишнинг алоҳида ҳуқуқий механизми яратилди. Қонуннинг 5-моддасида 13 ёшга тўлмаган қизлар билан жинсий алоқа қилганлик учун умрбод қамоқ жазоси кўринишидаги максимал санксия қўлланилиши, 6-моддасида эса 13 ёшдан 16 ёшгача бўлган қизлар билан жинсий алоқа қилганлик учун 2 йиллик қамоқ жазоси белгиланиши белгиланди. Шунингдек, 16 ёшга тўлмаган қизларга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш зўрлик ишлатиб ёки ишлатмай содир этилганидан қатъи назар жиноий жавобгарликни вужудга келтирган. Бундан ташқари, мазкур қонунга кўра рухий камчилиги бўлган вояга етмаганлар билан жинсий алоқа қилиш ҳам жиноят деб топилиб, бундай ҳолатда жиноий жавобгарлик ёланинг жинсий алоқа қилишга розилиги бўлганлигидан қатъи назар юзага келган¹⁷⁴.

Юқоридагилардан кўрииб турибдики, инглиз жиноят қонуни болаларнинг жинсий дахлсизлигини жиноий-ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг зарур даражадаги юқори чегарасини қатъий белгилаб берган ва бу ҳолат ўша даврдаги жиноят қонунчилигининг ижобий жиҳатларидан ҳисобланган.

АҚШда болаларнинг жинсий дахлсизлигига тажавуз қилувчи жиноятлар бошқа жинсий жиноятлар сингари ҳуқуқий дуализм асосида белгиланган. Бу борадаги муносабатлар Федерал миқёсда АҚШ қонунлар тўпламига асосан ҳал қилиниб, мазкур тшпланинг 99 бобида болалар билан жинсий алоқа қилиш

¹⁷² Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жиноий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-ҳуқуқий, криминологик жиҳатлар): Юрид.фан.номзоди илм.даражасини олиш учун дисс.автореф. – Тошкент, 2006;–С. 34.

¹⁷³ Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жиноий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-ҳуқуқий, криминологик жиҳатлар): Юрид.фан.номзоди илм.даражасини олиш учун дисс.автореф. – Тошкент, 2006;–С. 34.

¹⁷⁴ Современное зарубежное уголовное право. – С. 314-315; Полянский Н.Н. Уголовное право и уголовный суд в Англии. – М., 1969. – С. 166-167.



учун алохида жавобгарлик назарда тутилган. Шундан келиб чиқиб, федерал қонунчилик доирасидан четга чиқмаган ҳолда ҳар бир штат ўз қонунида ушбу жиноят таркибига ўхшаш жинсий жиноятлар учун жавобгарлик масаласини мустақил равишда белгилаган. Масалан, Нью-Йорк штати Жиноят кодексига кўра 17 ёшга тўлмаган аёл билан жинсий алоқа қилганлик ҳамда 14 ёшга тўлмаган аёл билан жинсий алоқа қилганлик учун алохида-алохида жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Ундан ташқари кодекснинг “Никоҳ, оила, болалар ва муомалага лаёқатсиз шахсларнинг мувофақиятига қарши қаратилган жиноятлар” бобида эса 11 ёшга тўлмаган аёл билан жинсий алоқа қилишнинг вояга етмаганларга қарши қаратилган бошқа жинсий жиноятлардан ижтимоий хавфлилик даражаси юқори эканлиги кўрсатилган¹⁷⁵. Кўриниб турибдики, бу штатда жабрланувчининг ёши болаларнинг жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларни квалификация қилишга таъсир этадиган асосий ҳолатлардан бири ҳисобланган. Кейинчалик, америка ҳуқуқи институти томонидан тайёрланган АКШ намунавий Жиноят кодексининг “жинсий тажавузлар” деб номланувчи бобида болаларга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш ва уларни бунга қизиқтириш (жалб қилиш) учун ҳам алохида жиноий жавобгарлик белгиланган¹⁷⁶.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жиноий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-ҳуқуқий, криминологик жиҳатлар): Юрид.фан.номзоди илм.даражасини олиш учун дисс.автореф. – Тошкент, 2006; –С. 91.
2. Советское уголовное право (Особ. часть) / И.И. Сеницкий и др. –Л: ЛГУ, 1959. –С. 158.
3. Сексуальное насилие у подростков. Пособие для врачей-курсантов. Под редакцией профессора Ю.А.Гуркина. – Санкт-Петербург: ППМИ, 1997. –С.3.
4. Тоҳиров Ф. Шахсга қарши жиноят ёхуд жинсий қилмишларга доир муамоллар // Ж. Ҳаёт ва қонун. - 2003. -№6. –Б. 17. Юридический словаб. В 2-х т. –М: Юридическая литература, 1997. Т.2. – С. 228.
5. Флоренций Б.Ю. Истоия рабовладельческого государства и права. – М., 1959. – С. 287.
6. Александров К. М. Офицерский корпус армии генерал-лейтенанта А. А. Власова. Биографический справочник. — М.: Посев, 2001. — ISBN 978-5-85824-186-186-

¹⁷⁵ Уголовное право США // Сб. Норм. Актов. – С. 85-87. – М., 1986 -С. 136-137. .

¹⁷⁶ Примерный УК США (Официальный проект института американского права). – М., 1969. – С. 136-139



7. Пудовочкии Ю.Е. Ответственность за преступления против несовершеннолетних по российскому уголовному праву. Научн. ред. докт. юрид. наук, проф. Г.И. Чечель. – Санк-Петербург: Юридический центр Пресс, 2002. – С. 17